

Иш ҳужжатларидан кўринишича, аризачи томонидан жавобгарга СК талабларига қатъий риоя этиш, хусусан солиқ ҳисоботларини ўз муддатида тақдим этиш юзасидан юборилган талабнома мазмунидаги хабарномалар электрон шаклда солиқ тўловчининг шахсий кабинетига юборилган. Бироқ, солиқ ҳисоботлари солиқ тўловчи томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда тақдим этилмаган ва мазкур камчилик суд муҳокамаси кунига қадар ҳам бартараф этилмаган.

СК 111-моддаси учинчи қисмининг 1-бандида ушбу солиқ тўловчи (солиқ агенти) томонидан солиқ органига молиявий ва (ёки) солиқ ҳисоботи бундай ҳисоботни тақдим этишнинг белгиланган муддати тугаганидан кейин ўн кун ичида тақдим этилмаганда юридик шахслар ва яқка тартибдаги тадбиркорларнинг банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш солиқ органи томонидан мазкур солиқ тўловчиларнинг (солиқ агентларининг) солиқ мажбуриятлари бажарилишини таъминлаш учун қўлланилиши мумкинлиги назарда тутилган.

Юқоридагилардан кўринадики, аризачининг талаби қонунчиликка мувофиқ асосли қўйилган ва у ишдаги мавжуд ҳужжатлар билан ўз тасдиғини топган. Шу асосда суд жавобгарнинг банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларини тўхтатиб туришни лозим деб ҳисоблайди.

Бинобарин, суд СК 111-моддаси, ИПК 118, 165, 170, 176, 177, 220, 221, 222-моддаларининг талабларини қўллаб,

ҚАРОР ҚИЛДИ:

АААААнинг аризаси қаноатлантирилсин.

СССССнинг банкдаги ҳисобварақлари бўйича операциялари солиқ оид ҳуқуқбузарлик бартараф этилгунга қадар тўхтатиб турилсин.

Ҳал қилув қарори қабул қилинган кундан бошлаб 10 кун муддатда қонуний кучга киради.

Ҳал қилув қарори устидан норози тараф қонунда белгиланган тартибда шикоят қилиши (прокурор протест келтириши) мумкин.

Раислик қилувчи

А. Дадабаев

